

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚУЙЛИЕВ НУРИСЛОМ ДАВРОН ЎҒЛИ

**ТАШҚИ МУҲИТНИНГ СТРЕСС ОМИЛЛАРИГА БАРДОШЛИ АРПА
(*H.VULGARE* ВА *H.DISTICUM*) ТУРЛАРИГА ОИД БОШЛАНҒИЧ
АШЁ ҲАМДА НАВЛАРНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Қуйлиев Нурислом Даврон ўғли

Ташқи муҳитнинг стресс омилларига бардошли арпа (*H.vulgare* ва *H.distichum*) турларига оид бошланғич ашё ҳамда навларни яратиш.....3

Қуйлиев Нурислом Даврон угли

Создание исходного материала и сортов ячменя (*H.vulgare* и *H.distichum*), толерантных к стрессовым факторам внешней среды.....21

Kuyliiev Nurislom Davron ugli

Creation of initial materials and varieties of barley (*H.vulgare* and *H.distichum*) resistant to environmental stress factors.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....41

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЖАНУБИЙ ДЕХҚОНЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ҚУЙЛИЕВ НУРИСЛОМ ДАВРОН ЎҒЛИ

**ТАШҚИ МУҲИТНИНГ СТРЕСС ОМИЛЛАРИГА БАРДОШЛИ АРПА
(*H.VULGARE* ВА *H.DISTICHUM*) ТУРЛАРИГА ОИД БОШЛАНҒИЧ
АШЁ ҲАМДА НАВЛАРИНИ ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Qx654 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жўраев Диёр Турдиқулович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Ғайбуллаев Ғулом Сайдалимович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти**

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашининг 2023 йил «__» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй, Тел.: (99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru; Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг кутубхонаси. Тел: (99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «__» даги _____ - рақамли реестр баённомаси _____)

А.Э.Равшанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., проф.

М.Б.Халикова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.д., проф.

А.Б.Амантурдиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. «Дунёда бошоқли дон экинлари етиштириш ва ҳосилдорлик кўрсаткичи бўйича етакчи ўринларда туради. Ҳар йили 904 млн. т дон ҳосили етиштирилади. Донли экинлар етиштириладиган ҳайдаладиган ерларнинг асосий қисмида кузги ва баҳорги бошоқли дон экинлари экилади. Шундан донли экинлар гуруҳига мансуб бўлган арпа экин майдони бўйича 18 фоизни ташкил этиб, иккинчи ўринда туради»¹. Ҳозирги кунда ташқи муҳитнинг стресс омилларидан қурғоқчиликка, иссиқликка бардошли, ҳосилдор, оқсил миқдори юқори, интенсив типдаги арпа навларини яратиш ҳамда бошланғич уруғчилигини йўлга қўйиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

«Жаҳонда арпа селекцияси бўйича Россия, Канада, Германия, Испания, Франция, Туркия ҳамда Украина давлатлари етакчи ўринларда туради»². Шундан етиштириладиган арпанинг 23 фоизи озиқ-овқатда ва 10 фоизи саноатда пиво тайёрлашда, 67 фоизи чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланилади. «Жорий йилда дунё бўйича 160,9 млн.т арпа ҳосилига эришилган бўлса, ҳозирги кунда эса жами 145,9 млн.т га тушганлиги кузатилган»³. Дунёда иқлим ўзгаришининг кескин даражада ёмонлашуви натижасида бошоқли дон экинларининг ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичига сезиларли даражада таъсирини кузатиш мумкин. Ушбу салбий хусусиятларни олдини олишда ўсимлик турига мансуб бўлган ёввойи турлардан бошланғич ашё сифатида фойдаланиб дурагайлаш, танлаш, нав ҳолатига келтириш ва катта майдонларга экиб ўрганиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

«Республикамиздаги суғориладиган ва лалмикор майдонларда 2023 йилда 240 минг тонна арпа дони етиштирилган бўлиб, ҳосилнинг атиги 5 фоизи пиво ишлаб чиқаришда, 8 фоизи ёрма ҳамда озиқ-овқат тайёрлашда, қолган 87 фоизи чорва моллари учун озуқа сифатида фойдаланилади»⁴. Юқоридаги кўрсаткичлар озиқ-овқат ва саноатда ишлаб чиқариш учун аҳоли эҳтиёжини қондиришга етарли эмас. Шундай экан дон сифат кўрсаткичи юқори, ҳосилдор бўлган хорижий арпа тизмаларини экиб ўрганиш, қимматли хўжалик белгилари бўйича танлаш, бошланғич ашёлар яратиш ва дурагайлаш ишларида фойдаланиб, янги навларни яратиш селекционер олимларнинг олдидаги вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Селекция ютуқлари тўғрисида” ги ва “Уруғчилик тўғрисида” ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини

¹ <http://www.worldagriculturalproduction.com/crops/barley.aspx>

² <file:///C:/Users/99890/Downloads/Lecture%20-%208.pdf>

³ <http://www.fao.org/faostat>.

⁴ Agro.uz

ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда кузги арпа Европа Иттифоқи ҳамда дунёнинг ривожланган 103 мамлакатида етиштирилади. Ўзбекистон арпа етиштириш бўйича дунёда 52-ўринда туради ва йилига 240 минг тонна арпа етиштирилади. Жаҳонда академик П.Ф.Гаркавий, И.С.Шумилина, F.N.Kertesz, Corbellini, профессор Д.Р.Ҳарланлар арпа селекцияси ва уруғчилиги бўйича бир қанча ишларини амалга оширишган. Республикамизда Д.Т.Абдукаримов, Ғ.Қурбонов Т.Ходжакулов, Ш.Сарманов, Т.Маматкулов, З.Ўсаровлар томонидан кузги арпа навларини яратиш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилган.

Аммо, кейинги йилларда Республикамизнинг жанубий минтақалари ҳудудлари иқлим шароити учун ташқи муҳитнинг стресс омилларига бардошли, белги хусусиятларнинг дурагай авлодларида ирсийланиши ҳамда об-ҳавонинг кескин ўзгарувчанлиги туфайли жанубий минтақаларда барқарор ҳосилдорлик кўрсаткичига эга бўлган янги навларини яратиш борасида селекцион тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган. Республиканинг жанубий минтақаси учун кузги арпанинг ташқи муҳитнинг стресс омилларига бардошли бўлган навларини яратиш соҳанинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режалари билан боғлиқ бўлиб, №ҚХ-А-ҚХ-2018-86 «Республиканинг суғориладиган ва лалмикор майдонлари учун абиотик омилларга, касалликларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган кузги ва баҳорги бошоқли дон экинларни янги навларини яратиш» амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади республиканинг суғориладиган майдонлари учун ташқи муҳитнинг стресс омилларига (курғоқчилик, иссиқлик) бардошли, барқарор ҳосил берадиган ва эртапишар кузги арпанинг янги навларини ҳамда бошланғич ашёларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кузги арпанинг маҳаллий навлари ва юқори ҳароратга чидамли коллекция намуналарида ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича аниқлаш;

танланган намуналарда ҳосилдорлик ва сифат кўрсаткичлари бўйича алтернатив шаклларни дурагайлаш ва аниқлаш;

F₁- F₂ дурагай ўсимликларида миқдорий ва сифат белгилари бўйича гибридологик таҳлиллар ўтказиш ҳамда таққослаш;

қимматли-хўжалик белгилари юқори бўлган кузги арпа навларини қурғоқчилик ва иссиқлик таъсирига бардошлилигини лаборатория ва дала шароитида аниқлаш;

ташқи муҳитнинг стресс омилларига (қурғоқчилик ва иссиқлик) бардошли бўлган кузги арпа нав ва тизмаларини назорат ва рақобат кўчатзорларида синаш;

ташқи муҳит стресс омилларига (қурғоқчилик ва иссиқликга) бардошли бўлган эртапишарлик хусусияти юқори бўлган кузги арпанинг бошланғич ашё ва янги навларини яратиш ҳамда Давлат нав синаш марказига топширишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кузги арпанинг *H.vulgare* ва *H.distichum* турларига оид бўлган ICARDA ташкилотининг IBON ва IBYT кўчатзорларидан танлаб олинган 17 та тизма, 20 та комбинациядаги дурагайлари, андоза сифатда республикамизда яратилган Воха, Ихтиёр ва Қизилқўрғон навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети кузги арпанинг рақобат ва назорат кўчатзорларига киритилган нав ва намуналарини қимматли хўжалик белгилари ўсимлик бўйи, охириги бўғин узунлиги, бошоқ узунлиги, бошоқчалар сони, битта бошоқдаги донлар сони ва вазни, 1000 дон дон оғирлиги, қурғоқчилик ва иссиқликка бардошлилиги белгилари бўйича баҳолаш, миқдорий белгиларнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлигини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда арпа селекциясининг классик усуллари, морфологик ва биометрик кўрсаткичлари бўйича аниқлаш, сув танқислиги ва иссиқликка бардошлилигини аниқлаш, фенологик кузатувлар, гибридологик ҳамда генетик-селекцион статистика таҳлилларининг замонавий усулларида фойдаланилган. Математик таҳлиллар Б.А.Доспехов услуги дастури асосида, доминантлик даражаси (hp) кўрсаткичининг катта-кичиклиги G.Weil ва R.Atkins формулалар асосида, Кожушко (1987) методик қўлланмаси асосида Сахароза эритмасида юқори осмотик босим остида уруғларни унувчанлигини аниқлаш орқали қурғоқчиликка бардошлилиги аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Республикасининг жанубий минтақаларининг суғориладиган майдонларида ташқи муҳит стресс омилларига (иссиқлик ва қурғоқчиликка) бардошли, эртапишар ҳамда йиллар мобайнида барқарор ҳосил берадиган кузги арпанинг нав ва намуналари аниқланган;

арпанинг *H.distichum* икки қаторли ва *H.vulgare* олти қаторли арпа турларида тур ичи дурагайлаш йўли билан ҳосилдорликни таъминловчи

микдорий белгиларинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги гибридологик таҳлил натижасида аниқланган;

гибридологик таҳлилда F_1 - авлодларида 4 та дурагай комбинацияда 1000 дона дон вазни белгисининг ирсийланиш коэффициенти юқори бўлиб, доминант ва ўта доминант ҳолда ирсийланиши, 3 та дурагай комбинациясида қисман доминантлик кузатилган бўлса, 6 та дурагай комбинацияларида салбий доминантлик ҳолати борлиги исботланган;

корреляцион таҳлиллар ўсув даври билан ўсимлик бўйи ўртасида тесқари салбий $r=-0,86$, ўсимлик бўйи ва дон ҳосилдорлиги ўртасида ижобий $r=0,75$, ўсимлик бўйи ва 1000 дона дон вазни ўртасида ижобий $r=0,80$, ўсимлик бўйи ва дон натураси ўртасида ҳам ижобий $r=0,86$, дон ҳосилдорлиги ва оқсил микдори ўртасида салбий $r=-0,86$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги исботланган;

ташқи муҳитнинг стресс омилларига (қурғоқчилик ва иссиқлик) бардошли бўлган кузги арпа нав ва тизмаларини танланган ва амалий селекцияда қўлланилган;

ташқи муҳит стресс омилларига (қурғоқчилик ва иссиқликга) чидамли бўлган эртапишар йиллар давомида дон ҳосилдорлиги юқори ва интенсив типдаги кузги арпанинг бошланғич ашё ва янги “Султон” ва “Осиё” навлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кузги арпанинг республиканинг турли иқлим шароитларига мос, иссиқлик, қурғоқчилик, ётиб қолишга чидамли, эртапишар, юқори ҳосилдор, доннинг физиологик етилиши ҳамда технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлган нав ва намуналари ажратиб олинган;

F_2 дурагай авлодда ҳар бир комбинацияда 500 тадан ўсимликнинг генетик ирсийланиши таҳлил қилиниб, энг яхши дурагай ашёлар танлаб олинди ҳамда селекция ишларига тадбиқ қилинди;

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги дала тажрибаларининг ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан апробациялар ўтказилганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги; назарий ва амалий натижаларининг бир-бирига мослиги; илмий тадқиқотлар натижаларининг республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий нашрларда чоп этилганлиги; олинган натижаларни замонавий компьютер технологиялардан фойдаланган ҳолда статистик таҳлилдан ўтказилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кузги арпа нав ва намуналарида қурғоқчилик ва иссиқликка бардошлилик кўрсаткичларини дала ва лаборатория шароитида замонавий асбоб ускуналар ёрдамида аниқланганлиги ҳамда F_1 - F_2 дурагай авлодларида ирсийланиш, ўзгарувчанлик ва шаклланиши таҳлиллари олиб борилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи муҳитнинг стрессларига бардошли бўлган 4 та тизма селекция ишларига тавсия этилганлиги ҳамда суғориладиган майдонлар учун кузга арпанинг янги *H.vulgare* турига оид “Султон” ва *H.distichum* турига оид бўлган “Осиё” навлари яратилганлиги, қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг 2023 йил давлат реестрига истиқболли навлар рўйхатига киритилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ташқи муҳитнинг стресс омилларига бардошли арпанинг *H.vulgare* ва *H.distichum* турларига оид бошланғич ашё ҳамда навларини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

кузги арпанинг “Султон” нави 2021 йилда истиқболли нав сифатида Давлат реестрига киритилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш марказининг 2021 йил 2 апрелдаги № т-6/01-08-48-сон маълумотномаси). Натижада кузги арпанинг Султон нави Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонларидаюқори ҳосилдорликка эришилган;

кузги арпанинг “Султон” нави 2022 йилда Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти суғориладиган дала майдонида 8 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 23 январ № 07/21-21-19 сон маълумотномаси). Натижада, бошланғич уруғчилигини кенгайтириш мақсадида 1 тонна 600 кг уруғ тайёрланган;

кузги арпанинг “Султон” нави Қашқадарё вилоятининг Косон туманида “Суяров Ҳайит” фермер хўжалигида 7,4 гектар, “Нурислом Нурсултон Анвар” фермер хўжалигида 2,6 гектар, Қарши туманида “Ибод ота” фермер хўжалигида 3,8 гектар, “Худойқулов Сарварбек Ахрорович” фермер хўжалигида 8,5 гектар жами 22,3 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 23 январ №07/21-21-19 сон маълумотномаси). Натижада, кузги арпанинг “Султон” навидан 57,2 ц/га дон ҳосили олинди, андоза “Қизилқўрғон” ва “Ихтиёр” навларига нисбатан 10-12 ц/га юқори ҳосилга эришилиб, рентабеллик даражаси 52 фоизни ташкил қилган;

кузги арпанинг “Осиё” нави 2022- йилда давлат нав синаш марказига синаш учун топширилиб, Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти суғориладиган дала майдонида 6,52 гектарга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 23 январ №07/21-21-19 сон маълумотномаси). Натижада, арпанинг андоза “Воҳа” навига нисбатан 9,5-9,9 центнергача юқори ҳосилдорликка эришилганлиги кузатилган;

кузги арпанинг “Осиё” нави Қашқадарё вилоятининг Косон туманида “Ўсаров Ҳаким” фермер хўжалигида 4,2 гектар, “Турсунов Эрали Ғоффорович” фермер хўжалигида 6,8 гектар, Қарши туманида “Қарши чаман” фермер хўжалигида 8,5 гектар жами 19,5 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 23 январ №07/21-21-19 сон маълумотномаси). Натижада, кузги арпанинг “Осиё” навидан 55,7 ц/га юқори ҳосил олинди, андоза “Воҳа” навига нисбатан 11-

12,1 ц/га юкори ҳосилдорликка эришилган ва рентабеллик даражаси 43,5 фоизни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ва Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази мутахассислари томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари шакллантирилган, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кузги арпанинг ташқи муҳит стрессларига бардошлилигини ошириш бўйича олиб борилган маҳаллий ва хорижий илмий тадқиқотлар»** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича олиб борилган ва амалдаги тадқиқотлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Кузги арпа халқ хўжалигидаги ўрни ва сифатига қўйиладиган саноат талаблари, кузги арпа дон ҳосилдорлиги ва сифатига ташқи муҳит омилларининг таъсири ҳамда кузги арпанинг янги навларини яратишда дон сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар асосида адабиётлар таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жой тупроқ-иқлим шароити, бошланғич манбалар ва тадқиқот услублари»** деб номланган биринчи бобида тажрибалар 2020-2022 йилларда Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг “Бошоқли дон экинлар генетикаси ва селекцияси” лабораториясида олиб борилиб, математик ва статистик таҳлиллар қабул қилинган услублар асосида амалга оширилганлиги келтирилган.

Диссертациянинг **«Кузги арпа дурагайларида қимматли-хўжалик белгиларини ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши»** деб номланган иккинчи бобида жаҳон коллекция намуналари ҳамда маҳаллий нав

ва тизмалар ўртасида ўтказилган дурагайлаш натижаларининг гибридологик таҳлиллари келтирилган. Тадқиқот давомида олинган ва кутилган маълумотларни статистик таҳлилларда h^2 усулидан кенг фойдаланилган. Бу усулни 1900 йилда инглиз математиги К.Пирсон таклиф этган. Ўрганилаётган 20 та дурагайларнинг биринчи авлодида ўсимлик бўйи ота ва она шаклидан устун бўлганлари таҳлил қилинганда, F_1 авлодда *H.distichum* тур хилига мансуб бўлган дурагайларнинг 8 та дурагай комбинациясида юқори доминантлик, 2 та комбинацияда қисман доминантлик ва 3 та комбинацияда эса умуман доминантлик хусусияти намоён бўлмаганлиги аниқланган. *H.vulgare* турхилига мансуб бўлган 7 та дурагайларнинг биринчи авлодида ўсимлик бўйи ота ва она шаклига нисбатан 4 та дурагай комбинацияда юқори доминантлик кузатилган ва 1 та дурагай комбинацияда қисман доминантлик ҳамда 2 та дурагай комбинациясида эса умуман доминантлик ходисаси кузатилмаган. Ўсимлик бўйининг узун бўлиши навларнинг ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг юқори бўлишида катта аҳамият касб этади (1-жадвал).

1-жадвал

Кузги арпа F_1 - F_2 авлодларида ўсимлик бўйи белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги

№	Нав ва дурагай комбинациялар номи	Оналик шакл	Оталик шакл	Ўсимлик бўйи, см			
				F_1	(hp)	F_2	h^2
H.distichum							
1	CWB117-77-9-7//Roho X GkOmega/Tokak	94	85,7	90,7	-0,1	93,1	0,2
2	Pamir-168/4/Roho X CWB117-77-9-7	98	96	100	2,0	106	0,7
3	Coss/OWBX Alpha/Durra//Slr	101	100,1	102,1	0,6	108,7	0,9
4	Scio X Arta	93	97,9	104	7,5	105,7	1
5	Sadik-06/3/YEA1819X YEA195-4//Grivita	91	97	100	5,0	106,2	0,7
6	Excelle//CWBX Slr/3/Pamir-147/Sonata	95	97	103	6,0	105,9	0,7
7	Robur/WA2196-68X Nopal'S/5/CI10622	98	99	101,3	1,8	102,3	0,4
8	CWB117-77-9-7/4X Belt67-Dicktoo/Cascade	95	98	97,3	-0,2	99,1	0,3
9	Bulbul X Arta	95	98	99	1,5	100	0,3
10	Lignee X 131	101	100	101,4	-0,1	95,1	0,1
11	Baishishek/3/YEAX Lignee131/ArabiAbiad	104	100,2	105	6,9	111,2	1
12	Pamir X CWB117-77-9-7	106	103,1	107,3	1,8	107,7	0,5
13	Tokak X Bulbul	99	98	100	0,5	106,5	0,7
H.vulgare							
1	Excelle//CWB117-77-9-7X Pamir-147/Sonata	100	99	101,3	1,3	103,4	0,4
2	YEA195-4//Grivita X CWB117-77-9-7/4	95	98	97,3	-0,2	104,8	0,4
3	GkOmega/Tokak X CWB117-77-9-7//Roho	95	98	99	1,5	104,7	0,4
4	Belt67-Dicktoo/CascadeX Bulbul	101	100	101,4	-0,1	101,3	0,3
5	Bulbul X YEA195-4//Grivita	104	100,2	105	1,9	110,7	1
6	Baishishek X ArabiAbiad	106	103,1	107,3	1,8	99	0,3
7	Coss/OWB71080-44-1HX Alpha/Durra//Slr	99	98	100	0,5	101,5	1


Дурагайлар таҳлили биринчи авлодда ўсимлик бўйининг узунлиги *H.distichum* тур хилига мансуб бўлган дурагайларда 90,7-107,3 см ни ташкил этди. CWB117-77-9-7//Roho X GkOmega/Tokak дурагай комбинациясида оналик шакли 94 см, оталик шакли эса 85,7 см бўлган бўлса, F_1 дурагай авлодда ўсимлик бўйи энг паст кўрсаткични 90,7 см ни ташкил қилди. Pamir X CWB117-77-9-7 дурагай комбинациясида оналик шакли 106 см, оталик

шакли эса 103,1 см ни ташкил қилган бўлса, F_1 дурагай бўғинда ўсимлик бўйи 107,3 см бўлиб энг юқори даражадаги гетерозис ҳолати кузатилган. *H.vulgare* тур хилига мансуб бўлган дурагайларда ўсимлик бўйининг узунлиги 97,3-107,3 см ни ташкил этди. YEA195-4//Grivita X CWB117-77-9-7/4 дурагай комбинациясида оналик шаклида 95 см, оталик шаклида эса 98 см ни ташкил қилган бўлса, F_1 дурагай авлодда ўсимлик бўйи энг паст кўрсаткични 97,3 см ни ташкил қилди. Baishishek X Arabi Abiad дурагай комбинациясида оналик шаклида 106 см, оталик шаклида эса 103,1 см ни ташкил қилган бўлса, F_1 дурагай авлодда ўсимлик бўйи энг баланд кўрсаткични 107,3 см ни ташкил қилган.

Диссертациянинг «Кузги арпанинг ташқи муҳит стресс омилларига бардошли юқори авлод тизмаларини танлаш» деб номланган тўртинчи бобида кузги арпа нав ва тизмаларининг ўсув даври ривожланиш фазалари бўйича таҳлил қилинганда, тўлиқ пишиш фазасига ўтиши *H.distichum* тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларда 2020-2022 йиллар бўйича ўртача 15-28 май кунларига тўғри келиб, униб чиқиш-тўлиқ пишиш даври 194-207 кунни ташкил қилганлиги аниқланган.

H.vulgare тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларда тўлиқ пишиш фазасига ўтиши 15-26 май кунларига тўғри келиб, униб чиқиш-тўлиқ пишиш даври 194-205 кунни ташкил қилганлиги аниқланган.


2020-2022 йиллар даврида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, кузги арпа нав ва тизмаларининг ҳосилдорлик кўрсаткичи таҳлил қилинганда, *H.distichum* тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларнинг дон ҳосилдорлиги йиллар бўйича ўртача 35,2-61,4 ц/га бўлиб, андоза Воха навида 52 ц/га бўлиб, андоза навларидан дон ҳосилдорлиги юқори бўлган KR19_SEL50-26 тизмасида 60 ц/га, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё) навида 61,4 ц/га, KR18_IBYT-1 тизмасида 58,5 ц/га, KR19_SEL50-23 тизмасида эса 58,7 ц/га дон ҳосилдорлиги бўлиб, андоза навига нисбатан 6,5-7,4 ц/га юқори дон ҳосилдорлиги олишга эришилган (1-расм).



1-расм. *H.distichum* ва *H.vulgare* тур хилларига мансуб бўлган нав ва тизмаларининг дон ҳосилдорлиги, ц/га (Қарши, 2020-2022 йй).

H. vulgare тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларда 2020-2022 йиллар даврида ҳосилдорлик ўртача 41,1-60,9 ц/га бўлиб, андоза “Қизилқўрғон” навида 50,8 ц/га, “Ихтиёр” навида 50,4 ц/га бўлиб андоза навларидан дон ҳосилдорлиги 6,6-10,1 ц/га юқори бўлган тизмалар сони 2 тани ташкил қилган. Кузги арпа нав ва тизмаларининг донидаги ва кепакдаги оқсил миқдори таҳлил қилинганда, *H. distichum* тур хилига мансуб бўлган андоза “Воха” навининг дондаги оқсил миқдори 12,5 %, кепакдаги оқсил миқдори эса 15,7 % ташкил қилган бўлса, андоза навидан оқсил миқдори юқори бўлган KR19_SEL50-26 тизмасининг донида 14,5 %, кепакда 16,4 %, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё) навининг донида 17,4 %, кепакда 20,1 %, KR18_IBYT-1 тизмасининг донида 15,6 %, кепакда 18,2 % ва KR19_SEL50-23 тизмасининг донида 14,8 %, кепакда эса 17,2 % оқсил миқдори бор эканлиги аниқланган.

H. vulgare тур хилига мансуб бўлган андоза “Ихтиёр” навининг дондаги оқсил миқдори 11,9 %, кепакдаги оқсил миқдори эса 14,7 %, “Қизилқўрғон” навида дондаги оқсил миқдори 12 %, кепакдаги оқсил миқдори эса 13,9 % ташкил қилган бўлса, андоза навидан дондаги ва кепакдаги оқсил миқдори юқори бўлган Kr_Арпа_2016-4_(Султон) навининг донида 14 %, кепакда 16,9% оқсил миқдори бор эканлиги аниқланган (2-расм).



2-расм. *H. distichum* тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларнинг дондаги ва кепакдаги оқсил миқдори, % (Қарши, 2020-2022 йй.).

H. distichum тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларининг униб чиқиш ва ҳосилдорлик ўртасида кучсиз $r=0,42$, найчалаш санаси ва бошоқлаш санаси ўртасида кучли $r=0,79$, найчалаш санаси ва ўсув даври ўртасида кучли $r=0,68$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланган.

Илмий манбалардан маълумки, бошоқлаш фазасига қисқа вақтда ўтиши бошоқли дон экинларида эртапишарлик хусусиятини намоён этади ва бу қонуният бизнинг тадқиқотларимизда ҳам ўз исботини топди. Бошоқлашгача бўлган кун ва ўсув даври ўртасидаги боғлиқлик кучли $r=0,94$, бошоқлашгача бўлган кун ва дон ҳосилдорлиги ўртасида кучли $r=0,82$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланган.

Ўсув даври ва дон натураси ўртасида кучли $r=0,86$, ўсув даврининг дон сифатига таъсири ўрганилганда эндоспермадаги ва кепакдаги оксил миқдори билан кучли $r=0,94$, $r=0,80$ мос равишда коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланган.

Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, дон ҳосилдорлиги ва сифати ўртасидаги коррелятив боғлиқлик ўрганилганда дон ҳосилдорлиги ва оксил миқдори ўртасида $r=-0,89$, кепакдаги оксил миқдори ва дон ҳосилдорлиги ўртасида $r=-0,82$ салбий корреляцион боғлиқлик аниқланган.


H.vulgare тур хилига мансуб бўлган кузги арпа нав ва тизмалари белгиларининг бир бирига ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинган ва унинг натижаларига кўра, униб чиқиш санаси билан дон ҳосилдорлиги ўртасида кучсиз $r=0,30$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланган.

Бошоқлашгача бўлган кун ва ўсув даври ўртасидаги коррелятив боғлиқлик ўрганилганда ижобий $r=0,81$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланди. Бошоқлашгача бўлган кун ва ўсимлик бўйи ўртасида эса салбий $r=-0,66$ коррелятив боғлиқлик борлиги таҳлиллар натижасида маълум бўлган.

Ўсув даврининг узун ёки қисқалигини қимматли-хўжалик, миқдорий ва сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилганда, ўсув даври билан ўсимлик бўйи ўртасида тесқари салбий $r=-0,86$ коррелятив боғлиқлик, ўсув даври ва дон ҳосилдорлиги ўртасида ижобий $r=0,85$ кучли коррелятив боғлиқлик бор эканлиги тадқиқотлар натижасида ўз исботини топди.

Ўсимлик бўйи белгисини бошқа кўрсаткичлар билан боғлиқлиги таҳлил қилиб кўрилганда, ўсимлик бўйи ва дон ҳосилдорлиги ўртасида ижобий $r=0,75$ кучли коррелятив боғлиқлик, ўсимлик бўйи ва 1000 дона дон вази ўртасида ижобий $r=0,80$ кучли коррелятив боғлиқлик, ўсимлик бўйи ва дон натураси ўртасида ҳам ижобий $r=0,86$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги исботланган. Дон ҳосилдорлиги ва оксил миқдори ўртасида салбий $r=-0,86$, дон ҳосилдорлиги ва кепакдаги оксил ўртасида салбий $r=-0,87$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланган.

Дендраграмма натижаларига кўра, ўрганилган нав ва тизмалар 3 та кластерга ажратилди (А, В, С) (3-расм).



3-расм. Кузги арпа нав ва тизмаларининг кластер таҳлили

Энг юқори ҳосилдор навлар 3 та кластерга ажратилиб, А кластер ўз ичига 11 та генотипни, С кластер эса 6 та генотипни, В кластер 3 та генотипни жамлаган. В кластердаги 1 чи гуруҳга СИММИТ генофондидан микдорий белгилардан маркер сифатида фойдаланиб танлаш асосида яратилган KR18_IBYT-2, KR18_IBYT-14 кузги арпа тизмалари бириккан бўлса, ҳосилдорлик бўйича шу гуруҳга энг яқини ИКАРДА селекциясига мансуб нав ва тизмалари кирган. Бу икки гуруҳ навлари ҳосил индекси, бир бошоқдаги дон сони, 1м² даги маҳсулдор поялар сони белгиларининг яқинлиги сабабли келиб чиқиши турлича бўлганлиги аниқланган.

А кластерга IBON-W кўчатзоридан танлаб олинган юқори ҳосилли навлар жамланган бўлиб, бошқа навларга нисбатан дон ҳосилдорлиги, 1м² даги бошоқлар сони, бир бошоқдаги дон сони қурғоқчилик шароитида ҳам юқори бўлиши ва 1000 донна дон вазни паст кўрсаткичга эга эканлиги билан ажралиб туради. Чунки суғорилмайдиган шароитда ўсимлик генетик потенциали доннинг йириклиги билан эмас, балки дон сонининг кўплиги билан аҳамиятлидир (2-жадвал).

2-жадвал

Кузги арпа нав ва тизмаларининг кластерларга бўлиниши

№	Кўрсаткичлар	Кластерлар					
		Кластер А		Кластер Б		Кластер С	
		Ўрта-ча	Стандарт оғиш	Ўрта-ча	Стандарт оғиш	Ўрта-ча	Стандарт оғиш
1	Бошоқлашгача бўлган кун	158	2,33	158	2,65	153	1,05
2	Пишишгача бўлган кун	205	1,85	205	0,58	199	0,55
3	Ўсимлик бўйи, см	102	2,31	102	2,05	109	2,86
4	Охирги бўгин узунлиги, см	33,1	3,39	32,3	3,45	40,5	2,55
5	Бошоқ узунлиги, см	9,8	0,28	8,9	0,21	9,0	2,12
6	Бошоқчалар сони, донна	27	1,30	30	4,51	35	6,40
7	Ҳосилдорлик, ц/га	43,7	5,66	42,8	5,14	52,6	1,57
8	1000 та дон вазни, гр	37,2	2,57	36,9	0,46	42,5	0,56
9	Дон натураси, гр/л	661,1	17,81	658,2	1,08	691,6	5,34
10	Оқсил микдори, %	12,6	0,79	12,3	0,17	13,9	1,19

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институтида яратилган Воҳа нави генотипик жиҳатдан А кластерга бирикиб, бу нав барча ўрганилган навлар орасида ўртача ҳосилдорликка эга бўлди. А кластернинг биринчи гуруҳидаги навлар 1м² даги ҳосилдорлик, умумий биомасса, маҳсулдор поялар сони бошқа навларга нисбатан паст бўлганлиги учун бир гуруҳга бириктирилган бўлса, бир бошоқдаги дон сони белгиси бўйича юқори кўрсаткичга эга бўлди. А кластернинг иккинчи гуруҳидаги дон сифати юқори бўлган халқаро СИММИТ коллекциясидан танлаб олинган KR19_SEL50-42 тизма касалликларга чидамли ва дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлганлиги аниқланган. С кластерга бирлашган кузги арпа нав ва тизмаларининг ўсимлик бўйининг баланд бўлиши, дон сифати ҳамда ҳосилдорлигининг юқорилиги билан ажралиб туради.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ҳосилдорлик белгилари бўйича олинган натижаларни таққослаш умумий генетик қонуниятларни келтириб чиқарди. Географик келиб чиқиши ва вегетацион давридан катъий назар, А ва В кластердаги навларнинг бир гуруҳга жамланиши уларнинг генетик жиҳатдан ўхшашлигини билдиради. Кластер таҳлилида нав ва тизмалар маълум бир ҳосилдорлик белгиси бўйича фарқ қилсада, умумий генетик потенциали бир-бирига яқин бўлган навларни бир гуруҳга жамлаш имкониятини беради. Дендрограммада А гуруҳга барчаси четдан интродукция қилинган навлар кириши, В кластерига маҳаллий навлар кириши, С гуруҳига эса курғоқчиликка чидамли бўлган кўчатзордан танлаб олинган намуналар йиғилганлиги аниқланган.

Хулоса қилиб айтганда, А ва С кластердаги генотипларни биргаликда жамлаган ҳолда амалиётга тадбиқ қилса бўлади. Чунки С кластерга юқори ҳосилдор навлар жамланган бўлса, А кластер эса курғоқчилик шароитида ҳам юқори ҳосил олиш имкониятини кўрсатган.

Диссертациянинг «**Кузги арпа нав ва тизмаларининг иссиқлик ва курғоқчиликка чидамлилигини лаборатория шароитида баҳолаш**» деб номланган бешинчи бобида нав ва тизмаларнинг иссиқликка ва курғоқчиликка чидамлилигини А.Булингер усулида аниқланган.

Сув тақчиллиги найчалаш фазасида юқори бўлган аксарият кузги арпа нав ва тизмаларининг ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлиши кузатилган, яъни ҳосилдорлик ва найчалаш фазасидаги сув тақчиллиги ижобий коррелятив боғлиқлик ($r=0,54$) эканлиги аниқланган. Лаборатория тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилаётган нав ва намуналарда умумий сув миқдори найчалаш фазасида йиллар бўйича ўртача *H. distichum* тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларда 65 % дан 80 % гача, бошоқлаш фазасида эса 70 % дан 85,1 % гача бўлганлиги аниқланган. Сув сақлаш қобиляти найчалаш фазасида 25-40 % бўлган тизмалар сони 1 та, 40-50 % гача 5 та, 50-68 % гача бўлган навлар сони 8 тани ташкил этди (3-жадвал).

***H. distichum* ва *H.vulgare* тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларининг найчалаш ва бошоқлаш фазасида сув сақлаш қобилияти (Қарши, 2020-2022 йй).**

№	Номи ва келиб чиқиши	Найчалаш фазаси			Бошоқлаш фазаси			Ҳосилдорлик, ц/га
		Умумий сув, %	Сув тақчиллиги, %	Сув сақлаш қобилияти, %	Умумий сув, %	Сув тақчиллиги, %	Сув сақлаш қобилияти, %	
<i>H.distichum</i>								
1	Воҳа (андоза)	71,9	3,9	47,4	78,2	2,2	51,1	51,6
2	KR18_BYT_Naz-17	70,6	5,1	46,2	75,5	5,7	54,3	46,7
3	KR19_SEL50-26	73,8	0	55,1	81,4	1,4	67,8	61,3
4	KR18_BYT_Naz-19	66	5	45	70	8,2	49,1	40,8
5	KR19_SEL50-27	66,4	4,3	43,8	75,2	9,7	50,1	45,9
6	KR18_BYT_Naz-7	66,9	5,6	43,1	74,3	3,1	50,2	46
7	KR19_SEL50-13	69,5	4,8	52,8	74,8	3,4	54,6	46,3
8	KR19_SEL50-40	65	10,7	47,1	70,2	12,1	51,2	40
9	KR19_SEL50-22	66,8	4	40	73,4	6,2	47,1	43,6
10	KR19_SEL50-41	65	10,71	47,1	70,2	12,1	51,2	34,3
11	KR17BRaqYT-P-29 (Осиё)	80	1,4	66,7	85,1	1,1	70,2	62,5
12	KR18_IBYT-1	76,2	2,3	56,2	81,1	1,9	69,2	58,3
13	KR19_SEL50-23	77,5	1,8	65,9	82,1	1,7	67,2	59,5
14	KR19_SEL50-42	66,5	9,7	44,4	73,1	10,3	46,8	34,7
	Ўртача кўрсаткич	70,2	5,0	50,1	76,0	5,7	55,7	47,8
	Энг юқори кўрсаткич	80,0	10,7	66,7	85,1	12,1	70,2	61,4
	Энг паст кўрсаткич	65,0	0,0	40,0	70,0	1,1	46,8	35,2
<i>H.vulgare</i>								
1	Ихтиёр (андоза)	70,3	5,4	54,8	74,1	6,2	62,8	50,9
2	Кизилқурғон (андоза)	71,9	5,1	53,1	74,6	6,4	65,2	51,3
3	KR18_IBYT-3	76,8	4	60	79,6	4,2	73,1	57,7
4	Кг Арпа 2016-4 (Султон)	77	3,7	63,9	79,1	3,6	77,9	61,5
5	KR18_IBYT-2	69,2	5,9	38,1	70,3	7,8	67,1	41,4
6	KR18_BYT_-14	68,1	5,9	52,4	79,1	7,3	49,2	43,6
	Ўртача кўрсаткич	72,2	5,0	53,7	76,1	5,9	65,9	51
	Энг юқори кўрсаткич	77,0	5,9	63,9	79,6	7,8	77,9	61,5
	Энг паст кўрсаткич	68,1	3,7	38,1	70,3	3,6	49,2	41,4

Сув сақлаш қобилияти юқори бўлган навлар қурғоқчиликка чидамли бўлиши адабиётларда кўрсатилган бўлиб, биз нав танлашда айнан шу хусусиятига қараб ҳам танлашимиз ва чаптиришда донор сифатида фойдаланишимиз мумкин. Сув сақлаш қобилияти бошоқлаш фазасида энг юқори 70,2 % ни ташкил этган KR17BRaqYT-P-29(Осиё) тизманинг ҳосилдорлиги 61,4 ц/га эканлиги аниқланган.

Лаборатория тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилаётган нав ва намуналарда умумий сув миқдори найчалаш фазасида йиллар бўйича ўртача *H. vulgare* тур хилига мансуб бўлган нав ва тизмаларда 68,1 % дан 77 % гача, бошоқлаш фазасида эса 70,3 % дан 79,6 % гача бўлганлиги аниқланди. Таҳлил натижаларига кўра, сув сақлаш қобилияти юқори бўлган нав ва тизмаларда дон ҳосилдорлиги ҳам юқори бўлиб ижобий $r=0,79$ коррелятив боғлиқлик бор

эканлиги кузатилди. Сув ушлаб туриш қобилияти бу ўсимликларни сувсизликка қарши туриш қобилиятидир. Айрим олимларнинг таъкидлашларича, бу интеграл кўрсаткич бўлиб, ташқи муҳит таъсирига мослашувчанлик чегараси ва ўсимликларни иссиқликка чидамлилиқ даражасидир. Одатда, қурғоқчилик сўзининг маъносини тупроқ ва ўсимликга сув микдорининг етишмаслигидан келиб чиқадиган ноқулай шароитлар йиғиндиси деб тушунсак бўлади. Қурғоқчилик таъсирида дон ҳосилдорлиги кескин пасайиши ўсимлик бўйи паст, бошоқдаги дон сони, бошоқдаги дон оғирлиги каби кўрсаткичларига жиддий таъсир қилади. Қурғоқчилик ўсимликларга таъсир этиш даврларига қараб баҳорги ёзги ва узоқ муддатли (бутун вегетация даврида) бўлиши мумкин. Олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, нав ва тизмаларда униб чиққан майсалар сони назорат вариантыда 90-100 % гача бўлганлиги кузатилди, 15 % ли сахароза эритмасида 88-98 % ни ташкил этганлиги кузатилди. Илдиз сони бўйича назоратда 3-5 дона ва сахароза эритмасида илдизлар эса 2-4 дона ораликда бўлганлиги аниқланган.

Тажрибада навларни илдиз узунлиги ва колеоптиле узунлиги ҳам таҳлил қилинган. Тажрибада назорат варианты билан сахарозанинг 15% ли эритмаси варианты ўртасида фарқланишни аниқлаганда куйидаги натижалар олинган. Илдиз узунлиги назорат вариантыда 3,0-5,2 см гача бўлиб, сахароза эритмасида 1,9-3,9 см гача бўлганлиги кузатилган. Колеоптиле узунлиги назорат вариантыда 2,0-4,3 см гача бўлиб, 15% ли эритмада эса 1,1-2,4 см гача бўлган. Илдиз сони назорат вариантыда 3 та, эритмали вариантда 2 тани ташкил этган бўлса, илдиз узунлиги назорат вариантыда 3,0 см ни, сахароза эритмасида ундирилган уруғ илдиз узунлиги 2,0 см ни ташкил этиб, орасидаги фарқ 1,0 см эканлиги аниқланган. Колеоптиле узунлиги орасидаги фарқ эса 1,1 см ни ташкил этган.

KR17BRaқҮТ-Р-29 (Осиё) тизмаси назорат вариантыда 100 %, сахароза эритмасида 98 % унувчанлик кузатилган. Илдизлар сони назорат вариантыда 5 тани, 15 % сахароза эритмасида 4 тани ташкил этиб, илдиз узунликлари назорат вариантыда эритмали вариантга нисбатан 1,8 см узун эканлиги кузатилди. Колеоптиле орасидаги фарқ эса 2,1 см ни ташкил этди.

Андоза “Воҳа” навига нисбатан деярли барча нав ва тизмалар қурғоқчиликка чидамлилиги юқори бўлганлиги аниқланди. Воҳа нави назорат вариантыда 92 % унувчанликни, сахароза эритмасида 88% унувчанлик кузатилган. KR19_SEL50-41 тизмада назорат 94 %, сахароза эритмасида 90 % унувчанлик кузатилган. Илдизлар сони 5 та ва мос равишда 4 тани ташкил этди. Илдиз узунликлари орасида 2,6 см фарқ кузатилди. Колеоптиле орасидаги фарқ эса 2,1 см ни ташкил этди. KR19_SEL50-42 тизмада назорат 97 %, сахароза эритмасида 94 % унувчанлик кузатилган. Илдиз сони 5-3тани ташкил этди, илдиз узунликлари орасида 1,6 см фарқ кузатилди. Колеоптиле орасидаги фарқ эса 2,4 см ни ташкил этган. Kг Арпа_20164(Султон) тизмада унувчанлик назоратда 99 %, сахароза эритмасида 96% ни ташкил этди. Илдизлар сониди ўзгариш 5-3 та бўлган, Илдиз узунлиги орасида 1,6 см фарқ

кузатилди. Колеоптиле узунлиги назоратга нисбатан 1,9 см фарқни ташкил этган. KR17BRaqYT-P-29 (Осиё), KR19_SEL50-41, KR19_SEL50-42, Kp_Арпа_20164 (Султон) тизмалари қурғоқчиликка чидамли хусусияти борлиги аниқланди. Ушбу танлаб олинган тизмаларни бир неча хусусиятлари бўйича бахоланди ва селекция жараёнларида чатиштириб, янги бошланғич манба яратишда фойдаланишга тавсия этилган.

Султон нави: Навнинг ботаник тури Параллеллум тур хилига мансуб, биологик ҳаёт тарзи (кузги), бошоғи олти қаторли, цилиндрсимон, бошоқ ранги оч сариқ, бошоғи зич жойлашган, қилтиқли, қилтиғи бошоққа нисбатан 1-1,5 баровар узун, қилтиғи тишли, оч сариқ рангда, дони ўртача катталиқда, эллипс шаклида. 1000 дон дон вазни 45,2-46,7 гр, дон ҳажм оғирлиги 685,5-688,1 г/лни ташкил этади. Нав эртапишар, ўсув даври 190-195 кун, ётиб қолишга, тўкилишга ва қишлашга юқори бардошли, арпа касаликларининг гелминтоспориоз, ун шудринг турларига нисбатан чидамли. Кузги муддатда 3,5-4,0 млн.дона унувчан уруғ ҳисобида белгиланади. Мақбул экиш муддати октябрь ойининг II-ўн кунлиги ҳисобланган. Ўғитлаш шудгорлашдан олдин соф ҳолда 90 кг фосфор, эрта баҳорда (март) биринчи озиклантириш даврида 70 кг иккинчи марта найчалаш даврида 80 кг миқдорида азотли ўғитлар билан озиклантирилади. Нав Республиканинг суғориладиган минтақалари учун экишга тавсия этилган.

Осиё нави: Нутанс (Nutans) тур хилига мансуб, биологик ҳаёт тарзи кузги, бошоғи қилтиқли, пирамидасимон, ранги оч сариқ, бошоқ узунлиги 10,7-11,2 см, бошоқдаги дон сони 33-34 та, дони оқ рангда, узунчоқ, йирик, тўкилмайди, 1000 дон дон вазни 45,0-46,1 гр, дон ҳажм оғирлиги 671-675 г/л. Дон таркибида оқсил миқдори 13,8-14,3 % ташкил этади. Ўсимлик бўйи 105-110 см, ётиб қолишга чидамли, барги ўртача узунликда, оч яшил рангда, туксиз. Тупланиши яхши, пояси тўғри. Нав ўртапишар ўсув даври 190-195 кун, ётиб қолишга, тўкилишга ва қишлашга юқори бардошли, арпа касаликларининг гелминтоспориоз, ун шудринг турларига нисбатан чидамли. Кузги муддатда 3,5-4,0 млн.дона, унувчан уруғ ҳисобида белгиланади. Мақбул экиш муддати октябрь ойининг II-ўн кунлиги ҳисобланди. Ўғитлаш шудгорлашдан олдин соф ҳолда 90 кг фосфор, эрта баҳорда (март) биринчи озиклантириш даврида 70 кг иккинчи марта найчалаш даврида 80 кг миқдорида азотли ўғитлар билан озиклантирилади. Нав Республиканинг суғориладиган минтақалари учун экишга тавсия этилган.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг жанубий минтақаларининг суғориладиган майдонларида ташқи муҳит стресс омилларига (исиклик ва қурғоқчиликка) бардошли, эртапишар ҳамда йиллар мобайнида барқарор ҳосил берадиган кузги арпанинг нави ва намуналари ажратиб олинди.

2. Арпанинг икки қаторли *H.distichum* ва олти қаторли *H.vulgare* кенжа турларида тур ичи дурагайлаш йўли билан ҳосидорликни таъминловчи

микдорий белгиларнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги гибридологик таҳлил қилинганда, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги ва 1000 та дон вазни дурагай комбинацияларда асосан доминант холда кам комбинацияларда рецессив холда ирсийланиши аниқланди;

3. F_2 дурагай ўсимликларида ўсимлик бўйи, бир бошоқдаги дон сони, 1000 дон вазни белгиларининг ирсийланиши Хи квадрат критерийси асосида таҳлил қилинганда мос равишда $x^2=16,7$; $x^2=11,6$; $x^2=4,5$ га тенг бўлиб Мендель қонунлари асосида 9:3:3:1 нисбатга тўғри келмаслиги, бу белгиларни ирсийланишида генотипдан ташқари ташқи муҳитнинг таъсири сезиларли эканлиги аниқланди.

4. Кузги арпанинг F_1 - F_2 дурагай ўсимликларида микдорий ва сифат белгилари бўйича дурагайлаш таҳлил натижаларига кўра юқори доминантлик хусусиятига эга дурагайлар танлаб олиниб арпа селекцияси учун бошланғич манба сифатида олинди.

5. *H.vulgare* кенжа турига мансуб бўлган нав ва тизмаларда дон ҳосилдорлиги 2 та тизмада 57,7 ва 61,5 ц/га ташкил этиб назоратдан мос равишда 6,9 ва 10,7 ц/га юқори, *H.distichum* кенжа турига мансуб 13 та тизмадан 4 таси назоратга нисбатан юқори ҳосилдорликка эга эканлиги аниқланди.

6. Дондаги ва кепакдаги оксил микдори таҳлил қилинганда икки қаторли арпада 13 та намунадан 9 тасида хар икки холатда юқори эканлиги, танлаб олинган Осиё навида эса дондаги оксил микдори 17,4% ни шундан кепакдаги оксил микдори 20,1% ни ташкил этиши, *H.vulgare* кенжа тур вакилларида оксил микдори андоза навадан юқори бўлган, янги яратилган Султон навида эса 14 % ташкил этиб, андоза навига нисбатан 2 % юқори эканлиги аниқланди ҳамда оксил юқори бўлган тизмалар танлаб олинди.

7. Кузги арпа нав ва тизмалари кластерларга бўлиб ўрганилганда нав ва тизмалар 3 та кластерга ажратилди. Энг юқори ҳосилдор навлар С кластерга ажратилиб, А кластер ўз ичига 11 та генотипни, С кластер эса 6 та генотипни, В кластер 3 та генотипни жамлади.

8. Қурғоқчилик ва иссиқликка бардошлилик лаборатория ва дала шароитида таҳлил қилинганда танлаб олинган Осиё ва Султон навлари юқори бардошлилик хусусиятини намоён этди.

9. Корреляцион таҳлиллар ўсув даври билан ўсимлик бўйи ўртасида тесқари салбий $r=-0,86$, ўсимлик бўйи ва дон ҳосилдорлиги ўртасида ижобий $r=0,75$, ўсимлик бўйи ва 1000 дон дон вазни ўртасида ижобий $r=0,80$, ўсимлик бўйи ва дон натураси ўртасида ҳам ижобий $r=0,86$, дон ҳосилдорлиги ва оксил микдори ўртасида салбий $r=-0,86$ коррелятив боғлиқлик бор эканлиги аниқланди.

10. Янги яратилган кузги арпанинг “СУЛТОН” ва “ОСИЁ” навлари суғориладиган майдонлар учун истиқболли нав сифатида 2021 йилда киритилган ҳамда Қашқадарё вилоятининг суғориладиган майдонларида экиш учун тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD05/27.02.2020.Qx.42.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПРИ
НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ,
СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
ХЛОПКА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ЗЕМЛЕДЕЛИЯ В
ЮЖНЫХ РАЙОНАХ**

КУЙЛИЕВ НУРИСЛОМ ДАВРОН УГЛИ

**СОЗДАНИЕ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА И СОРТОВ ЯЧМЕНЯ
(*H.VULGARE* И *H.DISTICUM*), ТОЛЕРАНТНЫХ К СТРЕССОВЫМ
ФАКТОРАМ ВНЕШНЕЙ СРЕДЫ**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2020.4. PhD/Qx654.

Диссертация доктора философии (PhD) выполнена в Научно-исследовательском институте земледелия в южных районах.

Автореферат диссертации доктора философии (PhD) на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tsau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

- Научный руководитель:** **Жураев Диёр Турдикулович**
доктор сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник
- Официальные оппоненты:** **Гайбуллаев Гулом Сайдалимович**
доктор сельскохозяйственных наук, доцент
- Бабоев Саидмурат Кимсанбоевич**
доктор биологических наук, профессор
- Ведущая организация:** **Научно–исследовательский институт генетических ресурсов растений**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2023 года в ___ часов на заседании научного совета PhD 05/27.02.2020.Qx.42.02 по присуждению ученых степеней доктора философии (phd) при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 111218, Ташкент, ул. Университетская, дом-1.Тел.: (99871) 150-62-78; факс: (99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru. Административное здание, 3 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована под номером № _____). Адрес: 111218, Ташкент, ул. Университетская, дом-1. Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, библиотека. Тел.: (99897) 746-47-60.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2023 года.
(Реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2023 года).

А.Э.Равшанов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.-х.н., проф.

М.Б.Халикова
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.с.-х.н., проф.

А.Б.Амантурдиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней,
д.с.-х.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. «В мире зерноколосовые культуры занимают ведущее место по показателям возделывания и урожайности. Ежегодно выращивается 904 млн тонн зерна. Основная часть пропашных земель под зерновыми культурами отведена под озимые и яровые зерноколосовые культуры. Среди них ячмень, относящийся к группе зерновых культур, по посевной площади составляет 18 процентов и занимает второе место»¹. На сегодняшний день одной из актуальных проблем является выведение сортов ячменя интенсивного типа, толерантных к таким стрессовым факторам окружающей среды, как засуха и жара, урожайных, с высоким содержанием белка, а также налаживание его первичного семеноводства.

«В мире такие страны, как Россия, Канада, Германия, Испания, Франция, Турция, а также Украина занимают ведущие места по селекции ячменя»². 23 процента выращиваемого в мире ячменя используется в пищу, 10 процентов – в пивоваренной промышленности и 67 процентов – в качестве корма для скота. «В текущем году в мире было достигнуто получение 160,9 млн т урожая ячменя, а на сегодняшний день наблюдается снижение до 145,9 млн т»³. Из-за резкого ухудшения климата в мире можно наблюдать заметное отрицательное влияние на урожайность и показатели качества зерна зерноколосовых культур. При предотвращении этих негативных явлений важное значение имеет использование диких форм данного вида растений в работах по гибридизации, отбору, доведению до состояния сорта и изучению с посевом на больших площадях.

«В нашей республике в 2023 году на орошаемых и богарных площадях было выращено 240 тысяч тонн зерна ячменя, и всего 5 процентов было использовано в пивоваренной промышленности, 8 процентов в производстве круп и пищевых целях, а остальные 87 процентов в качестве корма для скота»⁴. Вышеуказанных показателей недостаточно для удовлетворения потребностей населения в продуктах питания и промышленной продукции. Поэтому одной из задач, стоящих перед селекционерами, является посев и изучение зарубежных линий ячменя с высокими показателями качества зерна и урожайностью, отбор по ценным хозяйственным признакам, создание исходного материала и использование его в гибридизации, выведение новых сортов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан «О селекционных достижениях» и «О семеноводстве», Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2460 от 29 декабря 2015 года «О

¹ <http://www.worldagriculturalproduction.com/crops/barley.aspx>

² <file:///C:/Users/99890/Downloads/Lecture%20-%208.pdf>

³ <http://www.fao.org/faostat>.

⁴ Agro.uz

